2013 йил 23 апрель, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (12.391)

Баҳоси эркин нархда

**22-26 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи, И.Хираяма Халқаро маданият карвон саройи, К.Беҳзод номли мемориал боғ-музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда Обод турмуш йилига бағишланган «Тасвирий санъат фестивали» бўлиб ўтади.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР МАҲОРАТ МАКТАБИ



— Ушбу фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, миллий санъатимизнинг ўтмишидан то ҳозирги кунгача етиб келган бой мероси, бугунги кундаги салоҳияти ва энг асосийси, истиқлол йилларида етишиб келаётган иқтидорли ижодкорларни кенг жамоатчиликка таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб боришдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуридинов. – Жорий йилнинг Обод турмуш йили деб номланишида ҳам ўзига хос маъно бор. Зеро, обод ва озод ўлкамизнинг ҳар бир гўшасида ўсиб камолга етаётган ёшларнинг жуда кўпчилиги ўзларининг истеъдодлари билан Ватанимиз тараққиёти, юксалиши йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса санъат соҳасидаги эришилаётган ютуқлар нафақат Ўзбекистонимиз, балки дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам ёрқин из қолдирмоқда. Бу фестиваль бизларга иқтидорли, изланувчан ёшларни кашф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда юртимизда «Рассомлар куни»га бағишланган санъат байрами анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Бу эса ўтган давр мобайнида йилнинг энг ёрқин маданият байрамларидан бирига айланди. Санъат байрами диёримиз ва чет эл томошабинлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ўзларининг бетакрор санъат асарлари билан иштирок этадилар.

Бу санъат байрами Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлимларининг ҳисоботи ҳамдир. Чет давлатлардан келган таниқли ижодкорларнинг иштироки ўтказилаётган тадбир савиясининг фестиваллар даражасига кўтарилганидан далолат беради.

(Давоми 4-бетда)

2013 йил — Обод турмуш йили

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ТУРМУШИМИЗ ОБОДЛИГИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, бандликни таъминлашдаги иштироки ва галдаги вазифалари муҳокама этилди.**

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаёт сифатини янада ошириш, оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қатор ишлар амалга оширилаётир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда 43 минг нафардан ортиқ аёл иш билан таъминланган. Қарийб 5 минг хотин-қиз мутахассислиги бўйича қайта ўқитилиб, ишга жалб этилган. 14 минг нафардан зиёд аёл «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Қўмита томонидан таълим масканлари, маҳаллалар ва оилалардаги маънавий муҳит ўрганилмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга ва обрў-эътиборли онахонлар, шифокорлар, оқсоқоллар, ота-оналар билан ҳамкорликда қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг ўз саломатлигига масъулиятини ошириш мақсадида тиббий текширувлар кўлами янада кенгаймоқда. Ҳар бир ўқув даргоҳи ва маҳаллада «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси қизларни ҳар томонлама турмушга тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Йиғилишда қўмитанинг эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, аёллар бандлигини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, хотин-қизлар соғлиғини сақлаш борасидаги ишлари батафсил муҳокама қилинди. Бу борада маҳалла оқсоқоли маслаҳатчиларининг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланиб, турли ташкилот ва идоралар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Мамлакатимизда шахсий автомобиллар сафи тобора кенгайиб бораётгани йўл ҳаракати соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Яқинда мамлакатимиз парламенти томонидан янги таҳрирда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун шу мақсадга хизмат қилади.***

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида ташкил этилган семинар йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликнинг ижро самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, суғурта компаниялари, йўловчи ташувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев, ички ишлар вазирининг ўринбосари М.Мирфайзиев, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи Х.Саидалиев ва бошқалар йўл ҳаракати соҳасининг изчил такомиллаштириб борилаётгани аҳоли хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг «Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири» мавзуидаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Тадбирда бугунги кунда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда ижтимоий шериклик жамиятининг барқарор ривожланиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг омили эканлиги таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизда ижтимоий шерикликнинг турли шакллари ривожланиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жамоа шартномалари иш берувчилар ва ходимлар вакили бўлмиш касаба уюшмалари қўмиталари ўртасида имзоланган муҳим ҳужжат бўлиб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади. Касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ҳам айнан мана шу ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади.

Ҳозирги кунда жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси, ижтимоий кафолатлар, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш каби қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишувнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур келишув асосида 86 та тармоқ келишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишувлар, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 93805 та жамоа шартномаларининг мазмун-моҳияти бойитилган.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат педагогика университетида «Обод ва озод Ватаним» мавзуида тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ёшлар ижод саройида Фонд Форум томонидан «Кўкрак бези саратонига қарши» мавзуида илмий-амалий анжуман уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа тумани ҳокимлигида бўлиб ўтадиган тадбир «Истиқболли ёшлар — юрт эртаси» деб номланади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоий шаҳрида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи якунланди. Унда беллашувнинг қуйи босқичида муваффақиятли иштирок этган жамоалар ўзаро куч синашди. Мусобақада тегишли шартлар асосида жамоаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти, ҳарбий хизматга доир кўникмалари синовдан ўтказилди.**

**● Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Оқ олтин» СИУ ҳудудида иш бошлаган «Мирзаобод аср парранда» МЧЖ паррандачилик фабрикасида кунига 20 минг дона тухум олинмоқда. Умумий майдони 5 гектардан иборат фабрика Италиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унинг фаолият бошлаши билан 50 нафар ёшлар иш билан таъминланди.**

**● Урганч шаҳрида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган «Ёш чегарачилар» клублари аъзоларидан ташкил топган ўн жамоа сафда юриш, саф қўшиғи, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, давлат чегаралари тўғрисидаги билимлар танлови каби турли шартлар бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини синовдан ўтказди.**

**● Хитойлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шериклик асосида Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида иш бошлаган «Кегейлиагротехсервис» масъулияти чекланган жамиятида фермерлар учун жуда қулай ва арзон замонавий мототележкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда очилган йиғув цехида Хитойдан олинаётган қисмлар тайёр мотоулов ҳолига келтирилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Италияда янги давлат раҳбари Жоржо Наполитанонинг инаугурация маросими бўлиб ўтди.**

**● Кеча Канада махсус хизмати вакиллари Торонто ва Монреал шаҳарларида террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ниятида бўлган икки кишини қўлга олдилар. Суриштирув чоғида уларнинг «Ал-Қоида» террорчилик ҳаракати билан алоқада эканликлари маълум бўлди.**

**● Белгород шаҳридаги қаҳвахоналардан бирининг атрофида олти кишини ҳалок этган қуролланган хавфли жиноятчини излаш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу қабиҳ жиноят муносабати билан икки кунлик мотам эълон қилинди.**

**● Сингапур транспорт вазирлиги эрталабки вақтда метродан фойдаланиш бепул бўлиши тўғрисида қарор чиқарди. Йўловчилар иш кунлари метродан соат 7.45 гача бепул фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, соат 7.45 дан 8.00 гача йигирма олти фоизлик чегирма амал қилади. Янги лойиҳанинг ёз фаслининг бошларида жорий этилиши кўзда тутилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай чоралар тиғиз вақтларда метрони оз бўлсада бўшатиш имконини беради.**

***Давлат органлари ва бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий ҳамкори бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) тизимини ривожлантириш жамиятдаги барча ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатлари, қарама-қаршиликлар балансини таъминлашнинг таъсирли механизмларидан бири ҳисобланади. Бундай тенглик эса жамиятнинг барқарор ривожланиши кафолатидир.***

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида бу муҳим масала хусусида: «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда», дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, ННТ сектори фаолияти зарурлигини асослайдиган иккита муҳим сабаб мавжуд. Биринчидан, **социал зарурият**, чунки ННТ демократик жамиятда муҳим функцияни бажаради — аҳолининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш учун махсус муҳит яратади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Иккинчидан, **иқтисодий зарурият** — ННТ шундай хизматларни кўрсатади ва шундай қадриятларни ҳаётимизга олиб кирадики, давлатнинг ижроия органлари уларни тўлақонли бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Фаолияти давомида ишлаб топилган барча маблағларни ННТ ўзларининг дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтиришади. Бу билан давлатга ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлашда ёрдам бергани ҳолда давлат бюджетига уларнинг оғирлиги тушмайди.

Ўзбекистонда демократик институтларнинг шаклланиши ижтимоий тараққиётнинг дунёвий тенденцияларига мос равишда кечмоқда. Мамлакатимизда ННТ фаолияти биринчи галда жамиятнинг кам таъминланган, ёши улуғ ва меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиш орқали ислоҳот дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий харажатларини енгиллаштиришга, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва бошқа касбларни ҳам ўрганишига, қишлоқлар ва кичик шаҳарлардаги ислоҳотларга кўмаклашишга, кичик ва хусусий бизнес ривожини рағбатлантиришга қаратилган. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, ҳаётимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда уларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Аммо ННТнинг вазифалари қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмасин, уларни ўз фаолиятининг ишончли иқтисодий потенциалига эга бўлган ҳолда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ўз маблағларидан ҳам, давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмларидан ҳам самарали фойдаланибгина муваффақиятли амалга ошириши мумкин. Давлат муайян кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш, солиққа тортиш ва давлат томонидан молиялаштириш тартибларини такомиллаштириш йўли билан ННТ ривожини рағбатлантиради.

ННТ секторининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан фаол ҳамкорлиги, ННТнинг фаол ижтимоий фойдали фаолияти молиявий субсидиялар ва социал буюртмалар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларнинг фуқаровий ташаббусларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган фаолияти барқарор бўлишига кўмаклашади. ННТнинг барқарорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан пухта молиявий стратегияга, солиқ режасига, тўғри шакллантирилган бюджетга ва ҳисоб-китоб юритиш сиёсатига боғлиқдир.

ННТ тизимининг янада ривожланишига, шунингдек уларнинг истиқболли, социал ва ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашишига кўмаклашиш мақсадида 2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган.

Парламент палаталарининг қўшма қарори қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ННТни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароит ва мустақил тизим яратишдир. Шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилган.

Фонд фаолиятига Васийлик кенгаши раҳбарлик қилади, унинг функциясини парламент комиссияси бажаради. Парламент комиссияси 6 нафар Сенатор, Қонунчилик палатасининг 6 нафар депутати, йирик ННТ ва ОАВнинг 9 нафар вакили, шунингдек, Ўзбекистон Адлия ва Молия вазирликларининг 3 нафар эксперти, олий таълим муассасалари ректорларидан иборат таркибда тузилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти давлат томонидан субсидиялар, грантлар, социал буюртмалар бериш шаклида қўллаб-қувватланмоқда.

2008 йилдан ҳозиргача Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси кўмагида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ассоциациялари ва бирлашмаларининг **600** га яқин социал аҳамиятга эга лойиҳалари, дастурлари, низомда белгиланган вазифалари амалга оширилди. Бунинг учун **22,4** млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2012 йилнинг ўзида **1500** дан зиёд ННТ ва бошқа фуқаролик институтлари иштирокида ассоциация ва бирлашмаларнинг **230** та турли хил лойиҳалари, дастурлари ва устав вазифаларини рўёбга чиқариш учун жами **6,4** млрд. сўмлик кўмак берилди. Натижада йўналтирилган маблағларнинг умумий миқдори 2010 йилга нисбатан 42 фоиз ошди.

Жумладан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига **давлат субсидиялари** шаклида **2,3** млрд. сўм ажратилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида **15** та **ижтимоий лойиҳа** ва дастур социал буюртма шаклида қўллаб-қувватланди. Бунинг учун **1** миллиард **174** миллион сўм йўналтирилди.

Мустақил ОАВни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида **социал буюртма** шаклида қўшимча **100** млн. сўмга яқин маблағ ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, социал буюртмалар доирасида ҳар йили «Ўзбекистон матбуоти», «Ҳуқуқлар журналист нигоҳида», «Жамият ва мен» миллий форум ва кўргазмалари, «Эътироф» танлови, Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан «Олтин қалам» миллий мукофоти халқаро танлови ўтказилмоқда.

2012 йилда 35 та долзарб мавзу бўйича **7 та давлат грантлари** танлови ўтказилди. Грант танловларида **745** та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг **980** дан зиёд ижтимоий лойиҳалари билан қатнашдилар. Парламент комиссиясининг қарорига кўра **211** та лойиҳа жами **2,964** млрд. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда давлат грантини олиш учун **қўшимча танлов** ўтказилди. Натижада **20** га яқин ижтимоий лойиҳа жами **350** млн. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

Бизнинг фикримизча, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий моделининг ташкилий-институционал жиҳати фуқаролик институтларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим шарти бўлди.

*Биринчидан,* ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик тамойилларга асосланган тизими яратилган. Масалан, ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилаш, ушбу маблағларни тақсимлаш, уларнинг сарфланишини мониторинг қилиш билан боғлиқ масалалар ижро ҳокимияти органлари, хусусан Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси иш юритувидан мамлакатнинг олий қонунчилик органи — Олий Мажлис ихтиёрига ўтказилди.

*Иккинчидан,* жамоат фонди ва парламент комиссиясининг иши энг юксак демократик талабларни ҳисобга олган ҳолда, ошкоралик, очиқлик, ҳаммабоплик, холислик тамойиллари асосида ташкил этилган. Масалан, фонд маблағи бевосита ННТга уларнинг аризалари ва парламент комиссиясининг қарорлари асосида бирон-бир оралиқ бўғин ва тузилмаларнинг иштирокисиз ажратилади.

ННТни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш парламент комиссиясининг тавсияномаси бўйича Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ва муддатида амалга оширилади. Ушбу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисоботлар ҳам худди шу тартибда муҳокама қилинади. Фонд ҳар йили оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти ҳақидаги тўлиқ ҳисоботни, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағлар қандай тақсимлангани ва сарфлангани тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб боради.

*Учинчидан,* Ўзбекистонда жамоат фондининг маблағлари ажратилиши мумкин бўлган мақсадлар аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, улар ННТнинг минтақалардаги аниқ социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўзлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилади. Қўллаб-қувватлаш соҳалари ва шартларининг бундай аниқ белгилаб қўйилиши фонд маблағлари адолатли, холисона тақсимланишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

*Тўртинчидан,* ННТнинг кенг кўламли халқаро алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Фонд ва парламент комиссиясининг вазифаларидан бири ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, улар томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳар хил халқаро тадбирлар ўтказилишига, жамиятни демократлаштириш жараёнларида уларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, фонд маблағларини шакллантириш манбалари сифатида давлат бюджети маблағлари билан бирга ихтиёрий ҳомийлик маблағлари, жумладан, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳам белгилаб қўйилган.

*Бешинчидан,* қўшма қарорда ННТнинг олинган маблағлардан мақсадли, айни пайтда эркин фойдаланишига доир бир қатор кафолатлар назарда тутилган.

Хусусан, ННТга ажратилган, ҳисобот йилида фойдаланилмай қолган маблағлар бюджетга қайтарилмаслиги, балки кейинги йили белгилаб қўйилган мақсадга кўра ишлатилиши мустаҳкамланган. Бу қоида бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб атайин шундай қилинган.

*Олтинчидан,* фонд маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат (мониторинг) қилиш парламент комиссиясига юклатилган. Бу қоида ушбу масалаларни ҳал қилишга бошқа тузилмалар асоссиз, ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолатидир. Унинг қўлланиши ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркинлиги, молиявий мустақиллиги мустаҳкамланишига имкон беради.

**Дамир СИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раисининг ўринбосари,**
**Светлана АРТИКОВА,**
**комиссия аъзоси**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Хусусан жамоа шартномаларига хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлимлар киритилди.

Шунингдек, касаба уюшмаларига аъзолик тизимини такомиллаштириш натижасида бугунги кунда касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинишига эришилиб, тузилаётган жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари алоҳида бандларда ифодаланган. Бундан ташқари, ходимларнинг иш ва дам олиш вақти масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, асосий ҳамда қўшимча узайтирилган таътиллар жорий этилган. Жамоа шартномалари ва келишувларида тармоқ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, ижтимоий кафолатлар, соғлиқни сақлаш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш масалалари ҳам кенг назарда тутилган. Шу жумладан, аёллар учун қўшимча таътиллар олиш, иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатиш каби қатор имкониятлар яратилмоқда.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, бугунги кунда тузилаётган жамоа шартномалари орқали ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этиш масалалари изчил ҳал этилмоқда.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**«Туркистон пресс»**

# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

***Тошкентда «Соғлом оналик ва болалик соҳасидаги ижтимоий ташаббуслар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. У «Соғлом она – соғлом бола» лойиҳаси доирасида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси М.Ширинова, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев ва бошқалар истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида ўзига хос миллий соғлиқни сақлаш модели яратилган бўлиб, «Соғлом она – соғлом бола» концепциясини амалга оширишга доир комплекс чора-тадбирлар унинг узвий қисми ҳисобланади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ягона тизим яратилиши, бу соҳада ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича замонавий технологияларнинг жорий этилиши аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология, перинатал ва педиатрия ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш имконини берди. Хотин-қизлар ва болалар саломатлик кўрсаткичларининг яхшилангани, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 баробарга камайгани ҳам шундан далолат беради.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашган давра суҳбатида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси «Соғлом она – соғлом бола» лойиҳасини амалга оширишга катта ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Лойиҳа доирасида тўғри овқатланиш, камқонликнинг олдини олиш ва гигиена тўғрисида ўсмирлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда, ҳомиладор ҳамда туғиш ёшидаги аёллар учун туғишга тайёрланиш ва бир ёшгача болани парваришлаш бўйича маслаҳатлар ташкил этилмоқда.

Мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган. Уни амалга ошириш давомида 1,2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди, 27 мингдан зиёд семинар-тренинг ўтказилди, қарийб 600 минг ададда тегишли босма маҳсулотлари тарқатилди.

Президентимиз томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш ишлари кўлами янада кенгаймоқда. Қабул қилинган тегишли Давлат дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, касалликларнинг олдини олиш ишларини кучайтириш, илғор тиббиёт технологиялари, ташхис қўйиш ва даволаш услубларини жорий этиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

**И.ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Сўнгги йилларда транспорт воситаларини маст ҳолда ва телефонда гаплашган ҳолда бошқариш, ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик янада кучайтирилди. Йўловчиларни ташиш, транспорт воситаларини бошқариш учун гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларининг такомиллаштирилаётгани натижасида йўл-транспорт ҳодисалари камаймоқда.

Семинарда янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун соҳага оид қонунчиликни янада либераллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларига қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати соҳасида қонунни қўллаш амалиёти ва норматив базани чуқур таҳлил этиш асосида, шунингдек, ушбу соҳада халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда амалдаги қонуннинг аксарият моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш билан бир қаторда янги моддалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, янги таҳрирдаги қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли органларнинг мажбуриятлари янада аниқлаштирилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Қонун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларни йўлларда хавфсизлик қоидаларига ўргатиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда жабрланганларнинг сонини камайтиришга хизмат қилади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**




***«Тошкент — Қарши — Урганч» йўналишидаги янги «Афсона» махсус саёҳат поезди ўзининг илк қатновини 11 апрель куни амалга оширди.***

# «АФСОНА» ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг Хоразм вилоятига сафари учун мўлжалланган мазкур поезд қатнови ўз навбатида юртимиз туристик салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади, дея таъкидлашмоқда мутахассислар.

«Афсона» поезди 8 та юқори классли вагондан иборат бўлиб, унда вагон-ресторан ва йўловчилар учун зарур шароитлар муҳайё қилинган.

Махсус саёҳат поездининг йўлга қўйилиши мустақиллик йилларида транспорт соҳасининг изчил ривожланиб бораётганлигининг яна бир намойиши сифатида эътироф этилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

Анжуманлар

# ЁШЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШДИ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши, Республика «ДОТС» маркази, PR. HOPEнинг «Сифат» лойиҳаси ёшлари билан ҳамкорликда «Соғлигимда силни тўхтатаман» шиори остида ёшлар анжумани ташкил этилди.***

Мазкур лойиҳа ёшларни ягона мақсад сари бирлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, аҳоли орасида репродуктив саломатликни тарғиб этиш мақсадида уюштирилди.

Анжуманда туманда жойлашган таълим муассасаларидан жами 450 нафар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари билан бир қаторда, вояга етмаган ёшлар ва тиббиёт масканлари ходимлари иштирок этишди.

— Биз «ДОТС» маркази билан иккинчи маротаба қўшма лойиҳани ташкил этмоқдамиз,— дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов. — Дастлабки тадбиримизга туманимиз ёшлари, таълим муассасаси тарбияланувчилари ва маҳалла ёшларини жалб этган эдик. Ушбу тадбир ҳам ёшларимизнинг сил касаллиги, унинг олдини олиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга ишончимиз комил.

Тадбир давомида «Қувноқ пуфаклар», «Савол ва жавоб», «Тиббий маслаҳат» деб номланган қизиқарли викториналар ташкил этилиб, унда ёшлар турли савол-жавоблар билан ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказдилар. Шу билан бир қаторда акция доирасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси каби турлари бўйича мусобақалар, «Силнинг давоси бор» мавзуида асфальтга расм чизиш ҳамда «Сил бедаво эмас» мавзуида деворий газеталар танлови ҳам ташкил этилди.

— Мен бугунги тадбирда илк бор иштирок этяпман, — дейди 128-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, «Камолот» сардори Салим Хайриев. — Шу кунга қадар сил касаллиги, унинг инсон организмида қолдириши мумкин бўлган асоратлари тўғрисида маълумотга эга эмас эдим. Ташкил этилган тадбир мен ва тенгдошларим учун кўп ва қизиқарли маълумотлар олишга яқиндан ёрдам берди

— Сил касаллиги тўғрисида катталарнинг ўзаро суҳбатини эшитганимда ушбу хасталик тузалмас ва бедаво бўлса керак деб ўйлар эдим, — дея таъкидлади 173-умумтаълим мактаби ўқувчиси, «Камолот» фаоли Ирода Баҳодирова. — Ушбу тадбирда қатнашиб, сил касаллигининг пайдо бўлиши, унинг юқиш йўллари ва касалликнинг бедаво эмаслиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлдим.

Мусобақа ва викториналарда фаол қатнашган ва юқори натижаларни қўлга киритган жамоа ҳамда якка тартибдаги иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида ёш ижрочилар, истеъдодли санъаткорлар ва болалар гуруҳлари иштирокида концерт дастури ва мавзу юзасидан театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Камола МАҲАМЕДОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Китобхонлар байрами» маънавий-маърифий танловининг университет босқичи ўтказилди. Унда талабаларнинг билим-салоҳияти, иқтидори ва қобилиятлари бешта йўналиш бўйича синовдан ўтказилди.***

Олий ўқув юртларида

# ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

Университетнинг Маънавият ва маърифат бўлими, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти, устоз-мураббийлар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу танлов «Китоб — тафаккур хазинаси», «Энг фаол асарлар тарғиботчиси», «Ёш ижодкор талаба», «Асарлардан яралган саҳна асарлари» ва «Асарлардан яралган наволар» каби йўналишларни ўз ичига олди. Ҳакамлар ҳайъати талабаларнинг қанча китоб ўқиганлиги, уларни неча марта, қай тарзда тарғиб этганлиги, бадиий асарлар юзасидан жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларида қайси педагогик усуллардан фойдаланиб чиқиш қилганлиги, матбуотда, интернет сайтларида эълон қилинган бадиий ва илмий мақолаларининг мазмун-моҳияти, долзарблиги, мавзуни ёритишдаги ёндашуви, ўзлари томонидан яратилган мукаммал саҳна асарлари, сценарий ҳамда қўшиқларни ижро этиш маҳоратига эътибор қаратди.

— Мазкур танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ва истеъдодли талабаларни аниқлаб, уларни юзага чиқариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат, — дейди университетнинг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Феруза Тўраева. — Ишонамизки, талабаларимиз танловнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган республика босқичида ҳам юқори натижаларга эришади.

Якуний натижаларга кўра, халқаро журналистика, таржима назарияси ва амалиёти, немис ҳамда инглиз филологияси факультетлари талабаларининг чиқишлари аъло баҳоланди ва танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**



*Халқимиз буюк қудратининг кўзгуси*
**СУРАТЛАРДА: Темурийлар тарихи давлат музейида.**
**Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар**

Ножўя иш — келтирар ташвиш

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

***Шавкат Толибхонов Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, «Shavkat suv servis» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этиб раҳбарлик вазифасида ишлай бошлади. Агар у тўғри ишлаб, қонуний фаолият юритганида, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари «назар»ига тушмаган бўларди.***

Куни келиб қинғир ишнинг қийиғи очилди. 2012 йилнинг 14 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман суди Ш. Толибхонов ва бошқаларга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди. Аниқланишича, Ш. Толибхонов жиноий йўл билан даромад олиш ва бойлик орттириш мақсадида тадбиркор В. Югай билан тил бириктиришга муваффақ бўлади. Улар улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасидан фойдаланиб, «Тошкентдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага асосан, 2009 йил 16-29 июль кунлари жами 37 миллион 755 минг 700 сўмлик 197100 тонна ем маҳсулотларини сотиб олиб, ушбу молларни қайта сотиб, пулларни кассага кирим қилишмаган. Натижада бу пуллар жамият ҳисоб рақамига келиб тушмаган. 37 миллион 755 минг 700 сўмни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган Ш. Толибхонов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқарида айланмасини келгусида қисқартириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 26 ноябрдаги «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари бузилишига йўл қўйган. Суд Ш. Толибхоновни Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топиб, тегишли жазо тайин этди.

**Алишер СУЛТОНОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлими катта инспектори**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига 1) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 03.09.2009 йилдаги №11963/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 76-уйда жойлашган умумий майдони 116,0 кв.м.дан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 99 545 750 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 8 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Чилонзор тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 м.кв., фойдали майдони 79,5 м.кв. бўлган, бир қаватли, 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли олтита савдо дўконлари. Бошланғич нархи – 100 357 396,20 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2011 йил 7 ноябрдаги 1-1051/11 -сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, Қатортол кўчасида жойлашган, умумий майдони 338,0 м.кв., фойдаланиш майдони 137,0 м.кв. бўлган савдо мажмуаси. Бошланғич нархи – 326 701 252,80 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtgroup.uz.
Лицензия: № RR-0017.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 мартдан 2013 йил 20 апрелгача ўтказилган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 22.03.2013 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 73-сонли савдо дўкони | 6 124 979 | 6 650 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 102-103-104-105-сонли савдо дўконлари ва ошхона биноси | 195 090 600 | 204 650 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 72-сонли савдо дўкони | 6 150 775 | 6 650 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 4-сонли савдо дўкони | 11 715 818 | 12 550 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 6-сонли савдо дўкони | 11 715 818 | 12 550 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 7-сонли савдо дўкони | 11 715 817 | 12 550 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 8-сонли савдо дўкони | 11 591 182 | 12 350 000 |
| 08.04.2013 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани, "Хўжалик моллари ҳунармандлар бозори" МЧЖ ҳудудида жойлашган 11-қатордаги 3-сонли савдо дўкони | 23 967 000 | 25 500 000 |
| 15.04.2013 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 03.03.2011 й. № 11-1027/28177 – сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қ.ф.й, Дўстлик маҳалласида жойлашган бино ва иншоотлар | 50 404 232 | 53 800 000 |
| 16.04.2013 | Олмазор тумани СИБ | Олмазор тумани СИБ томонидан 27.10.2008 й. № 1-440/08 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор 17/18-даҳа, 4-уй | 62 963 067 | 67 500 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-мавзе, 3-уй, 1-хонадон. 577-22-12 телефонига мурожаат қилинг.

**«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 мартдан 2013 йил 20 апрелгача ўтказилган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 22.03.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1984 й. и.ч. "Уаз-452", д.р. 30 В 5195 | 975 194 | 1 055 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2008 й. и.ч. "Ласетти", д.р. 01 К 750 FA | 34 200 000 | 35 700 000 |
| | Пскент тумани СИБ | 2007 й. и.ч. "Дамас", д.р. 10 J 106 DA | 16 021 200 | 17 300 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 2011 й. и.ч. "Нексия", д.р. 01 869 TTA | 28 750 925 | 30 300 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Ласетти BVD", д.р. 10 N 399 BA | 39 743 000 | 42 200 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Дамас", д.р. 10 550 CAA | 22 652 000 | 24 250 000 |
| 25.03.2013 | Олмалиқ шаҳар СИБ | "Газ 5327", д.р. 11 O 4426 | 1 861 272 | 2 100 000 |
| 29.03.2013 | Миробод тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия", д.р. 01 V 530 BA | 26 500 000 | 28 050 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Нексия", д.р. 01 J 981 FA | 26 500 000 | 28 050 000 |
| | | 2011 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 W 019 HA | 17 500 000 | 18 550 000 |
| | | 2004 й. и.ч. "Нексия Сонс", д.р. 01 Y 728 EA | 21 918 120 | 23 400 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Дамас GM UZ", д.р. 10 767 AAA | 6 292 000 | 6 750 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 Y 418 DA | 14 914 600 | 15 850 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 Z 408 DA | 18 703 935 | 20 000 000 |
| | | 1997 й. и.ч. "Тико", д.р. 30 Y 2373 | 8 494 600 | 9 010 000 |
| | | 1976 й. и.ч. "Ваз 2103", д.р. 01 N 549 EA | 977 240 | 1 080 000 |
| | | 1983 й. и.ч. "Ваз 2106", д.р. 30 F 4833 | 4 671 052 | 5 000 000 |
| 01.04.2013 | Миробод тумани СИБ | 1975 й. и.ч. "Ваз-21011", д.р. 10 S 093 CA | 581 678 | 675 000 |
| 03.04.2013 | Миробод тумани СИБ | 2000 й. и.ч. "Ваз 2106", д.р. 10 U 708 FA | 6 400 000 | 7 000 000 |
| 08.04.2013 | Пискент тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Нексия N-150", д.р. 10 639 LAA | 18 934 570 | 20 000 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1982 й. и.ч. "Ваз 2106", д.р. 01 S 684 EA | 2 651 940 | 2 910 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Ласетти", д.р. 01 Q 344 GA | 32 355 000 | 34 500 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 2004 й. и.ч. "Ваз 21093", д.р. сиз. | 7 360 000 | 7 850 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Дамас", д.р. 10 O 448 EA | 18 050 000 | 19 250 000 |
| | | 2011 й. и.ч. "Ваз 21074", д.р. 10 K 686 FA | 12 560 000 | 13 425 000 |
| 15.04.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1990 й. и.ч. "Уаз-3151201", д.р. 11 E 3656 | 449 163 | 495 000 |
| | | 1984 й. и.ч. "Уаз-469", д.р. 10 I 1258 | 161 433 | 185 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 1995 й. и.ч. "Газ 31029", д.р. 10 S 056 BA | 2 648 452 | 2 860 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Нексия Донс 1,6", д.р. 10 B 127 GA | 21 773 694 | 23 150 000 |
| 18.04.2013 | Чиноз тумани СИБ | 2006 й. и.ч. "Матиз", д.р. 11 B 2127 | 10 613 400 | 11 450 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Daewoo Lacetti", д.р. 10 H 000935 | 24 400 000 | 25 900 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-мавзе, 3-уй, 1-хонадон. 577-22-12 телефонига мурожаат қилинг.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Учтепа туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Жамшид кўчаси 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 378 кв.м., фойдаланиш майдони 117,96 кв.м. дан иборат уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 62 000 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 27 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 24 май куни соат 18:00

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1996 йил 29 октябрда Пулатова Нилуфар Бахтияровна номига берилган 121-рўйхат рақамли, № 004786 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 2001 йил 20 августда Юсупов Дониёр Фаткитдинович номига берилган 4566 рўйхат рақамли, В 045902 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти раҳбарияти, касаба уюшмаси ва жамоа аъзолари катта илмий ходим Дилфуза Қодированинг отаси
**АБДУСАМАТ отанинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# ЁШ ИҚТИДОРЛАР МАҲОРАТ МАКТАБИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Санъат байрами шаҳримиз, Қорақалпоғистон республикаси ва юртимизнинг барча шаҳарларида ўзига хос, такрорланмас тарзда бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль доирасида турли кўргазмалар, концертлар, мастер-класслар, миллий либослар намойиши, маънавият-маърифат форумлари ўтказилиши режалаштирилган, шунингдек, Япония маданият ҳафталигининг очилиши, «Ўзбекистон ансамбль мусиқаси» лойиҳаси, Тошкент Архитектура ва қурилиш институти, Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ва устозларининг кўргазмалари, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларининг миллий либослар намойиши тақдим этилади.

Тадбирда Россия, Япония, Жанубий Корея, Украина, Озарбойжон каби давлатлардан ташриф буюрган санъат усталари ўз асарларини намойиш этиш билан бирга, иштирокчилар ва меҳмонларга маҳорат сабоқларидан дарс берадилар.

Фестиваль доирасида Япония маданият кунлари ташкил қилинади. Унда японча чой ичиш маросими, япон либослари, оригами санъати, Хирошиго Утагаванинг «Эдонинг 100 хил манзараси» номли рангли ксилографияси намойиши бўлиб ўтади.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг талаба-ўқувчилари ижоди, моҳир мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталарининг ижоди ва фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Беш кун давомида катта экран ва телемониторларда Ўзбекистон санъати усталарининг ижоди тўғрисида фильмлар намойиш этилади.

Айтиш жоизки, кўргазманинг ҳар бир куни Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги муассасалар фаолияти ва вилоятлар санъатига бағишланади. Асарлар марказий кўргазмалар зали ва унинг атрофидаги кўча ва майдонларда намойиш этилади. Ҳар бир томошабин портрет «модели» сифатида жараёнда иштирок этиш ёки қўлига қалам олиб ўз рассомлик маҳоратини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Ҳа, ҳар қандай танлов ва тадбирлар замирида юртимиз келажагининг ёрқин саҳифалари ёшлар томонидан қайта кашф қилинади. Бу санъат фестивали ҳам ана шундай эзгулик йўлига хизмат қилаётган хайрли ишлар сирасига киради. Бинобарин, унда гўзаллик, нафосат ва иқтидор ўзлигини намойиш этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: тасвирий санъат фестивалидан лавҳалар**

**Ислом Исмоилов олган суратлар**

# БЕТАКРОР РАҚСЛАРНИНГ БАРҲАЁТЛИГИ

***Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабида «Ўзбек рақс санъати — анъана ва замонавийлик» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Таниқли раққоса Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирда санъат усталари, ёш ижрочилар, соҳа мутахассислари, санъат йўналишида таҳсил олаётган талаба-ёшлар ва уларнинг устозлари қатнашди. Анжуманни Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби ректори Ш.Тўхтасимов кириш сўзи билан очар экан, ўзбек миллий рақс санъатининг маликаси сифатида халқимизга танилган Мукаррама Турғунбоеванинг ҳаёт йўли ва фаолияти тўғрисида қисқача маълумот берди.

Мукаррама Турғунбоева устоз сифатида ўнлаб шогирдлар етиштиргани ва шогирдлари айни чоғда ўзбек рақс санъатининг тарғиботи ва ривожланишида муносиб ҳисса қўшганлари барчамизга маълум. Улардан бири — Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева шундай деди: Устозимиз Мукаррама Турғунбоева ўзбек рақс санъатини дунёга танитди, элимизнинг минг йиллик урф-одатлари, маданияти, кийинишининг ўзига хослигини ёрқин ҳаракатлари билан ифодалаб, рақсимизнинг дилтортар услубларини мужассам эта оладиган мактаб яратишга муваффақ бўлди. Ўзбек киносининг Кумуши, таниқли актриса Гулчеҳра Жамилова ҳам бир пайтлар ижод йўлини рақс санъати даргоҳида бошлаб, Мукаррама опанинг таълимини олган эди. У ҳам устозининг оналарча ғамхўрлиги туфайли санъат сир-асрорларини ўрганиб, шу даражага етганини фахр билан эслаб ўтди.

Тадбир давомида Миллий рақс мактаби талабалари Д.Саутова «Рақс санъатининг жозибаси», К. Файзуллаева «М.Турғунбоева рақс мерослари», Г. Усмонова «Тановар» поэмасининг туғилиши», М. Халилова «Ўзбек саҳнасида «Жизель» балети» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Илмий-амалий анжуман сўнгида Муҳайё Рустамова, Дилноза Сафарова каби иқтидорли раққоса талабалар бир вақтлар Мукаррама Турғунбоева яратган рақсларни маромига етказиб ижро этиб, бетакрор раққосамизнинг ўзига хос ижроларини томошабинлар кўз олдида намоён қилдилар.

**Шоҳсанам УСАНОВА**

## Кўргазмалар

# ФИКРЛАШГА ЧОРЛОВЧИ АСАРЛАР

***Шаҳримиздаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида рассом Бобур Исмоиловнинг «MOTS» («Сўз») номли 35 та янги асарлари ўрин олган шахсий кўргазмаси намойиш қилинмоқда.***

Лойиҳа ташкилотчилари Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Париждаги Франция институти бўлиб, мазкур вернисажда намойиш этилаётган асарлар П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида, Тошкент Давлат санъат институтида таҳсил олган Бобур Исмоиловнинг Парижга қилган ижодий сафарининг мевасидир. Ушбу сафар муаллифнинг ижодида янги босқичга ўтиш бўлди. Мусаввирнинг ижоди ўзига хос. Изланиш доираси рангтасвир, графика, дизайн ва санъатнинг бошқа турларида ҳам чекланмаган. Янги ифодалар, воситалар излайди. Унинг бадиий ифода усули, бу — тасвирий санъатнинг мураккаб оламида ўз ички дунёсига хос ўхшашликни топа олишга йўналтирилган. У ўтмиш ва ҳамиша ҳаракатда бўлган замонавийликни ўзида муштарак этган аниқ географик макондан ҳоли оламни яратиш, ҳаётнинг ҳар қандай сюжетларидан холи ички сирли чегарасини очиб беришга интилади. Бунда рассом кўпчиликка маълум бўлган борлиқнинг ташқи жиҳатига эмас, балки кўпчиликка яширин бўлган омилларга эътиборини қаратади. Экспозициядан ўрин олган асарларда рассомнинг онги остида шаклланган борлиқ, абстракт олам, табиат, кўплаб томошабинларга мавҳум бўлган ҳаёт ҳақиқатини ҳам кўрамиз. Кўргазмага қўйилган «Қўғирчоқ», «Қўғирчоқ билан қиз», «Бувим кўрпасидаги уйқу», «Ёддан чиққан аравача», «Тўлин ой», «Музлаган дарё», «Сирдарё», «Ёғдусиз соҳил», «Бодом», «Орзулар» каби ва бошқа қатор асарлари эътибор билан томоша қилинса, нафақат фикрлашга чорлайди, уларда рассомнинг изланишларини ҳам кўриш мумкин. Галереяга келган томошабинларда яна бир имконият — бошқа залларда доимий кўргазма ҳам бўлиб юртимиздаги санъатнинг ривожидаги ўзгаришларни кўриб, солиштириш имконияти ҳам бор.

Кўргазма жорий йилнинг 12 майигача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## «101»

# «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Кундан кунга чирой очиб бораётган гўзал пойтахтимизда қурилиш, ободонлаштириш ишлари бугунги кунда авжига чиққан. Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.***

Инсонларга энг қийин пайтда ёрдамга келувчи ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан ҳам ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш талаб қилинади. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиб инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг ва оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

Қурилиш майдонларини ёнувчи чиқиндилардан доимий тозалаш, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, мумкин бўлмаган жойларда сигарета чекмаслик, очиқ оловдан фойдаланмаслик, кислород балонларини тўғри сақлаш, бўёқлар, карбид, тахта материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр-газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, қурилиш ҳовлисида ёш болаларнинг ўйнаб юришларини таъқиқлаш ва бу борадаги бошқа кўпгина қоидаталабларга амал қилинганда юз бериши мумкин бўлган ёнғинлардан ва кўнгилсиз ҳодисалардан сақланиш мумкин.

Нафақат қурилишларда, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимизни, давлатимиз мулки ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

**Шухрат РЎЗИХОДЖИЕВ,**
**ЁХБ 12-ҲЁХО 1-ҲЁХ алоҳида пост кичик инспектори, кичик сержант**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим этилган М.Улуғбек тумани ФИБ судининг 2011 йил 9 августдаги №21009-10/2-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 65 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 15-даҳада жойлашган, умумий майдони 49,55 кв.м., яшаш майдони 29,38 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонадан иборат 12-уй, 7-хонадон қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 24 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 24 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 14 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Умидсизлик – чекиниш белгиси.**

* * *

**Бу дунёда дўст топиш осон, ҳамдард топиш қийин.**

* * *

**Ким гапни чўзади, ким ишни.**

* * *

**Тириклик дарёсида ҳаракат қилмаган чўкади.**

* * *

**Енгил ҳаётнинг ҳисоби оғир бўлади.**

* * *

**Ёлғизнинг ҳаётида файз йўқ.**

* * *

**Киши қанча кам ҳаракат қилса, шунча кўп ҳасрат қилади.**

* * *

**Яшаш ва кун кўриш – бошқа-бошқа.**

* * *

**Ўзини билган хор бўлмас.**

* * *

**Тuҳмат, ивғо, ҳасад каби иллатларнинг асосида майда қалб ётади. Катта қалб эгалари бу каби қусурлардан аксар холи бўлишади. Шу билан бирга, уларнинг умрини айни шу нарсалар эговлайди.**

* * *

**Аслида ҳаёт мураккаб эмас, уни биз – одамлар мураккаблаштирамиз.**

* * *

**Тушкунлик дардига меҳнат малҳам бўлади.**

* * *

**Ўзига ишонган киши қатъиятли бўлади.**

* * *

**Кунининг беҳуда ўтганига хурсанд бўлиш оқилнинг иши эмас.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 441

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12046 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5